

Саодат битилганлардандир



08:05 / 31.10.2019 2231

Иброҳим ибн Абдурраҳмондан ривоят қилинади: «Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу урушда оғир ярадор бўлиб, ҳушидан кетди. Атрофдагилар уни жон таслим қилди деб ўйлашди. Унинг атрофига тўпланиб, йиғлай бошлашган эди, у «Аллоҳу акбар» деб, ўзига келди. Буни кўриб, тўпланганлар ҳам суюнганидан такбир айтиб юборишди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу уларга қараб: «Ҳозир мен ҳушимдан кетдимми?» деди. «Ҳа», дейишди. У шундай деди: «Рост айтдингиз. Беҳушлигимда мени икки киши олиб кетди. Улар жуда дағал, шиддатли экан. Иккови: «Қани, юр. Сени Азиз ва Амин Зотнинг ҳузурига сўроққа олиб борамиз», дейишди. Йўлда бир киши олдимиздан чиқиб, мени олиб келаётганлардан: «Уни қаерга олиб кетяпсизлар?» деб сўради. Улар: «Азиз ва Амин Зотнинг ҳузурига, сўроққа», дейишди. У киши: «Қайтинглар. У онасининг қорнидаёқ саодат ва мағфират битилган зотлардан. Ҳали Аллоҳ хоҳлаган кунгача

фарзандлари унинг дийдорига мушарраф бўлишади», деди».
Ўша воқеадан кейин Абдурраҳмон бир ой яшади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан